



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 108 (13.441)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ТАШҚИ ИШЛАР ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 май куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Шайх Абдулла бин Зоид Ал Наҳаённи қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, кенг қўламли ўзаро амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити доирасида 21 май куни Ар-Риёд шаҳрида Абу Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Куролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Мухаммад бин Зоид Ал Наҳаён билан учрашув, шунингдек, турли даражадаги алоқалар фаоллашгани Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишидан икки мамлакат ҳам манфаат-

дорлиги ва бунга тайёр эканини тасдиқлаши қайд этилди.

Сўхбатда БАА етакчи банк-молия институтлари ва компаниялари иштирокида иқтисодийнинг турли тармоқларида истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, туризм соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси Амирликлар томонидан қўллаб-қувватлангани юқори баҳоланди. БАА делегациясининг ташрифи давомида Маданий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро

англашув меморандуми имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Шайх Абдулла бин Зоид Ал Наҳаён Президентимиз Шавкат Мирзиёевга салимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва БАА Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ал Наҳаён ва Абу Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Куролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Мухаммад бин Зоид Ал Наҳаённинг юксак ҳурмати ва эзгу тилакларини етказди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга Бирлашган Араб Амирликлари тайёрлигини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

БАНДЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш жоизки, иқтисодийнинг ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳисобига етакчи тармоқларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, бу ўз навбатида ўта долзарб муаммо ҳисобланган аҳоли, авваламбор ёшлар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳалигача эскирган иш шакллари ва услубларидан фойдаланилмоқда, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолмоқда, муҳим ижтимоий масала ҳисобланган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга юзаси ёндашув ҳолатлари учрамоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва

жавобгарлик механизмларидан яхши фойдаланилмаётгани.

Янги ташкил этилган барқарор иш ўринлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги меҳнат бозорида мувозанатлиликнинг бузилишига, республикамизнинг айрим минтақаларида ишсизлик даражасининг ошииб кетишига, ноконуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандлиқнинг ўсишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги ПҚ-2690-сонли қарорига мувофиқ жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва иқтисодий комплексга кирувчи ҳудудий органлар раҳбарларининг, уларни моддий рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий чора қўллаш бўйича тегишли тизимни жорий этган ҳолда, аҳоли бандлигининг ўсиши ва уни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулияти оширилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҚАДИМИЙ ЁЗМА МАНБАЛАРНИ САҚЛАШ, ТАДҚИҚ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадим-жоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда.

Айни вақтда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу борада нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида гоят ноёб ҳисобланган, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган қўлёзмалар фондига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, шунингдек, қадимий ёзма манбалар фондига эга бўлган муассасалар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, ушбу нуфузли илмий-тадқиқот муассасалари олдига қўлёзмаларни сақлаш, таъмирлаш, мавжуд фондларни бойитиб бориш, тарихий манбалар билан ишлаш учун маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларга қулай шароитлар яра-

тиш, тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган бекиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодимизни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш бўйича долзарб вазифалар турганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ана шу вазифаларни самарали ҳал этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом универститетининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (кейинги Шарқшунослик институт деб аталади) қадимий қўлёзмалар, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган замонавий ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш, илмий асосда тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш бўйича мамлакатимиздаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

(Давоми 3-бетда)

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 24 май куни Бирлашган Араб Амирликлари ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Шайх Абдулла бин Зоид Ал Наҳаён билан учрашди.

Ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари 2017 йил 21 май куни Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити ҳамда Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири билан кенгашининг 2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган 43-сессияси якунларини юқори баҳолади. Ушбу тадбирларда экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш, бағрикенглик гояларини тарғиб қилиш, хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Тошкент форумида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърифат ва таълим халқлар фаровонлигининг асосий омилларидан бири экани ва инсонларни эзгу ишларни амалга ошириш, яхшиликка ундаши тўғрисидаги сўзлари Саудия Арабистони пойтахтида 50 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари, қатор етакчи халқаро ташкилотларнинг расмий вакиллари иштирок этган саммитда ўз тасдиғини топди.

Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро

алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Томонлар минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

– Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 25 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатли барча соҳаларда изчил ривожланди, – деди Шайх Абдулла бин Зоид Ал Наҳаён. – Ўзбекистон энергетика, туризм, инфратузилма, кишлоқ ҳўжалиги соҳаларида катта имкониятларга эга. Мамлакатларимизда ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун улкан салоҳият мавжуд. Томонлар бу салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдордир.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Бу кун азамат йигитлари лобар қизларнинг самимий кулгулари, ажиб ҳаяжонлари чексиз. Улар ўқув масканлари, меҳрибон устозлари билан хайрлашиб, мустақил ҳаётга қадам ташлаш арафасида.



ХАЙР, МАКТАБ – САЛОМ, КОЛЛЕЖ!

Юртимиздаги барча мактабларда ўқув йили якунланиб, сўнгги кўнгирок садолари янгради. Эртаминг эгаларига боқиб, уларни учига шай турган оппоқ кабутарларга қиёслаш мумкин.

Республикамиз, шу жумладан пойтахтимизнинг барча умумтаълим мактабларида бугун “Хайр, мактаб – салом, коллеж” тадбирлари кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабида ҳам “Замонавий билимлар билан замонавий касб-хунарга эга бўламиз!” шиори остидаги “Хайр, мактаб – салом, коллеж” тадбири ўқув-

чилар, ота-оналар, ўқитувчилар учун нихоятда ҳаяжонга бой, эсда қоларли тарзда ўтказилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, шу жумладан мактаб таълимини ривожлантириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.


“Хайр, мактаб – салом, коллеж” тадбирлари ўқувчиларнинг қалби ва онига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонларварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, уларда

келажакка ишонч, кексаларга ва устозларга ҳурмат-эҳтиром, Ватанга муҳаббат каби туйғуларни шакллантиришга ҳамда замонавий касб-хунарга эга бўлиш иштиёқини жонлантиришга йўналтирилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси тизимида 286 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, 2016-2017 ўқув йилида 9-синфни 34264 нафар ўқувчи битирмоқда. Айтиш жоизки, битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш мақсадида бир неча бор “Сўровнома”лар ўтказилиб, уларнинг академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқишни давом эттириш истаги аниқланган.

(Давоми 3-бетда)

авлод” номи ёшлар фестивалининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.



• Японияда ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб, қутилмаганда 30 градусдан ошиб кетиши кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, одатда июль-август ойларида кузатиладиган бундай жазирама ҳароратдан жабрланган 450 киши касал-хоналарга ётқизилди. Ҳозирда бу ерда ҳавони совитувчи мосламаларнинг савдоси 20 фоизга кўтарилган.

• Яман пойтахти Сана шаҳрида вабо касаллиги кенг тарқала бошлагани тўғрисидаги хабарлар ҳаётда эълон қилинди. Ушбу касаллик шу пайтгача ўнлаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлди.

Яман соғлиқни сақлаш вазирлиги гуманитар ташкилотларга мурожаат қилиб, эпидемияга қарши курашда ёрдам беришга қачирди. Яманининг Saba агентлигининг таъкидлашича, мамлакатдаги соғлиқни сақлаш тизими бир неча йилдан бери давом этиб келаётган моҳиро туфайли издан чиққан ҳамда муаммага қарши кураша олмаяпти.

• Бразилияда жорий йилнинг апрель ойида конларнинг биридан топилган жуда улкан ва ноёб, узунлиги 1,3 метр, оғирлиги 360 килограммлик зумрад тоши кимовиди савдосида сотилди. Хавфсизлик чоралари юзасидан тошни сотиб олган шахс ва унинг нархи ошқор этилмади. Бироқ ушбу зумрадининг музейларда ва бошқа маданият масканларида намойиш этилиши мумкинлиги таъкидланган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2017 йил 27 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2017 йил 26 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши томонидан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харақатлар стратегияси – фаолиятимиз дастури” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Урганч шаҳридаги “Истиклол” маданият ва аҳоли дам олиш марказида Хоразм вилоят Маданият бошқарма-

Танловлар

ЭНГ ЁШ МУТАХАССИСЛАР
АНИҚЛАНДИ

Республикамизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Энг яхши ёш ишчи касб эгаси” танлови ўтказиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ишчи касбларни омаллаштириш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, энг яхши халқаро ишланмаларни касбий таълим тизимига татбиқ этиш учун замин яратиш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ўтказилди.

Ғолибларни тантанали тақдирлаш маросимига Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ходимлари, корхона-ташкilot ишчи-хизматчилари, тадбир ташкилотчилари йиғилишди.

Ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган “Энг яхши ёш ишчи касб эгаси” кўрик-танлови аввал туман босқичида ўтказилди. Мазкур босқичда сараланган ғолиб-

лар шаҳар босқичида қатнашдилар. Тошкент шаҳридан ғолиб бўлиб чиққан ёшлар Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Унда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи мутахассислари ҳамда касб-хўнар коллежлари битирувчилари турли соҳаларда ўзлари эришган ютуқлар ва маҳоратини намойиш этишди. Танлов куйидаги – “Компьютер инжиниринг техникаси”, “Дастурий инжиниринг техникаси”, “Пайвандлаш ишлари техникаси”, “Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича механик”, “Умумқурилиш ишлари устаси”, “Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси”, “Ошпаз”, “Сартарошлик ва декоратив косметика устаси” ва “Миллий ва бадий либослар моделиери” номинацияларида мингдан зиёд ёшлар қатнашди.

— Танлов ғолиби бўлганимдан бениҳоя хурсандман, — дейди “Ошпаз” номинацияси бўйича 1-ўрин соҳиби, Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-хўнар коллежи



битирувчиси Саъдулло Шотурсунов. — Коллежда назарий билимларни мустаҳкамлаш учун ўқув лабораториялар, бир сўз билан айтганда барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқишда ўтказилаётган турли танловларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритишимда албатта устозларимнинг хизмати бекиёс. Аслида ошпазлик бобо касб. Бобом Шотурсун Шойсхоқов ўз касбининг моҳир устаси бўлиб, неча-неча шогирдларни етиштирган. Келгусида билим ҳамда кўникмаларимни янада мустаҳкамлаб, халқаро даражада ҳам ўз касбини дунёга танитиш, бу орқали Ўзбекистонда ишчи касблари имкониятларини кенгайтириш учун яратиб берилаётган шароитларни намоеён этиш ниятидаман. Биз,

ёшларга яратиб берилаётган улкан имконият ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга чексиз миннатдорчилик билдираман.

Ғолибларга Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан диплом ва совғалар топширилди. Эл севган санъаткорларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Ёшларга берилган бундай эътибор уларнинг ўз соҳаларининг малакали мутахассиси бўлиб етишишларида дарак беради. Энг муҳими танлов ёш ишчи-ҳодимларга ўзларининг назарий билим савияси ҳамда амалий касбий тайёргарлик сифатини оширишлари учун кенг имконият яратди.

Зарина РУСТАМОВА

Анжуманлар

ТАЛАБАЛАР
ИҚТИДОРИ
БАҲОЛАНДИ

Иқтидорли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз билими, ақл-заковати ва иқтидорларини намоеён этишлари учун Тошкент фармацевтика институтида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Талабалар илмий жамияти”нинг 74-конференцияси бўлиб ўтди.

Мазкур анжуманнинг аввалги йилларга нисбатан хусусиятли томони унда бошқа тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари талабалари ҳамда касб-хўнар коллежлари ўқувчилари ҳам илмий маърузалари билан иштирок этдилар. Улар ўз маърузаларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида баён қилдилар.

— Мазкур анжуман “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ижроси йўлида ўтказилган бўлиб, бундан қўзланган мақсад иқтидорли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз билими, ақл-заковати ва иқтидорларини намоеён этишлари учун имконият яратиш ҳамда илмий изланишларида янги йўналишларни очибдан иборатдир, — дейди институтнинг маънавият ва маърифат бўлими услубчиси Нигора Ашурова. — Аввалги йилларга нисбатан анжуманда озгача маърузалар ва кўргазмалар чиқишлар кўп бўлди ҳамда 650 га яқин маърузалар муҳокама қилинди.

Айтиб ўтиш жоизки, шу каби тадбирларнинг ҳар бир олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўтказилиши келажақ авлодининг ақл ҳамда билим жиҳатидан етук ва баркамол, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Анжуманда ғолиб деб топилган талабалар ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар ва сертификатлар билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ

“101”

ГАЗ ВА ЭЛЕКТР МОСЛАМАЛАРИДАН
ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ!

Ёнғинни “тилсиз ёв” деб бежизга таърифлашмаган, чунки у қандай фасл бўлмасин фавқулодда одам ҳаёти, мол-мулкига тажовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир.

Фаолиятимиз давомида локдаун, эътиборсизлик оқибатида рўй берган қўллаб кўнгилсиз воқеаларга гувоҳ бўлишимизга тўғри келади. Жорий йилнинг 20 майига қадар Бектемир туманида 11 та ёнғин содир бўлган. Тезкор ҳаракат натижасида ёнғинларда фуқаролар қулайиш тан жароҳати олмади. Инсонларнинг ёнғинлардан ҳалок бўлиш ҳолатлари йўл қўйилмади.

Тахлилларга кўра бу бахтсиз ҳодисалар оловга эҳтиёсизлик билан муносабатда бўлиш, хонадонлардаги электр

симларда қисқа туташувлар, ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари, иситиш мосламаларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари асосий сабаб бўлганини кўрсатмоқда.

Фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамокдур. Газ ҳидини сезганда гугурт қақиш мумкин эмаслиги, газ плиталарига резина шлангларни қонунга зид равишда улаб, хонадонни талафотларга олиб келаётганлар

ҳам топилади. Бу эса моддий зарар кўриш ва жиддий тан жароҳат олишга сабаб бўлади. Бундай асаббузарлик ва талафот бўлмаслиги учун газ ва электр энергиясидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишини гизини сўрардик.

Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлини ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осонлигини яна бир бор эслатиб ўтади.

Нурбол МАМЕНОВ,
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ
катта инспектори, сержант

кин. Ачинарлиси эса бахтсиз ҳодисалар туфайли бир умрга ногирон бўлиб қолаётган фуқаролар ҳам борлигини ўйлаб кўрмаймиз. Бу каби ҳолатларнинг олдини олишнинг асосий омилли эса огоҳлигимизни оширишдир. Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига амал қилиш муҳимлигини унутмайлик!

Бекжон ЖУМАНОВ,
Мирзо Улугбек тумани ИИБ ЁХБ
инспектори

Шунда Фаттоҳ Олимга:

— Қанақа ука, мен сенга ука эмасман, — деб қўлидаги пичоқ билан унга ташланиб қолди.

Ўртада даҳанаки жанг бўлди.

Кимнинг бурни қанади, кимдир баданидан тан жароҳати олди...

Яхшиямки, бу вақтда Фуқрат Намозов ва интернет клуб иш юритувчиси Алишер Кабаров жанжални эшитиб, югуриб чиқишди ва уни бостиришди. Қилгиллики қилган Р. Қодиров ва унинг жиноий шериклари воқеа жойидан қочиб қолди...

Жароҳатланганлар касалхонага олиб борилди.

Бўлиб ўтган воқеа ҳақида ички ишлар бўлимига хабар қилинди. Бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, иштирокчиларнинг барчаси терговга жалб қилинди, иш судга оширилди.

Судда жиноятчиларнинг айби гувоҳлар, далиллар, жабранувчилар қўрсатмалари билан ўз тасдиғини топди. Суд эндиғина 21 ёшни қаршилаган Раҳим Қодиров ва 24 ёшли Фаттоҳ Мароҳимовларга 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳазосини тайинлади.

Ҳар бир халқнинг, давлатнинг тараққиёти чин маънода ватанларлар, фидойи, маънавияти юксак ёшлар салоҳияти билан белгиланади. Агар эртанги кун эгаларида ана шу фазилатлар урини бор-йўғи маънавий истеъмолчилик ҳисси ва билимсизлик эгаллаб олса, жамият тақдирига бефарқ муносабат шаклланса, бу таназзул демакдир. Болаларимиз соатлаб қимматли вақтини сарф этадиган интернет ана шундай таназзулга ҳамда бошқа янгилик оқибатларга етакловчи омиллар қаторига кириб қолмаслиги — бу сизу бизнинг огоҳлигимизга боғлиқ, азизлар.

Барно ДАДАХОДЖАЕВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

Реклама ва эълонлар

“VIP REAL ESTATE” МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 30 июнь кўни соат 11.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибидан ўтказилаётган “Очиқ аукцион” савдосига Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 07.01.2016 йилдаги 42/15-сонли ижро варақасига асосан Республика Суд ижро департаменти томонидан хатланган Тошкент вилояти, Келес шаҳри, Оқибат кўчаси, 1-ўйда жойлашган бинонинг умумий майдони 485,0 кв. метр, фойдалан майдони 38,4 кв. метр, маъмурий бино, хожатхона ва бостирмадан иборат 1 хонали бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 154 155 369 сўм. Савдога чиқарилган мулк билан тегишли СИД вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талаб-ғорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузилдиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ “FINBank”даги МФО: 01041, ИНН: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан — паспорт нусхаси; юридик шахслардан — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўратилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Яққасарой кўчаси, 5-уй манзилида сақланаётган қўйидаги техник ҳолати носоз автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1.“ПА3-672” русумли, давлат рақами 01/211DCA бўлган, 1988 йил и/ч. Бошланғич баҳоси — 3 260 000 сўм. 2.“ПА3-672” русумли, давлат рақами 01/207DCA бўлган, 1989 йил и/ч. Бошланғич баҳоси — 3 280 000 сўм. 3.“ПА3-3205” русумли, давлат рақами 01/239DCA бўлган, 1991 йил и/ч. Бошланғич баҳоси — 3 320 000 сўм. 4.“ПА3-3205” русумли, давлат рақами 01/219DCA бўлган, 1991 йил и/ч. Бошланғич баҳоси — 3 280 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 20 июнь кўни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2017 йил 16 июнь кўни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг АИТБ “Ипак йўли банк” Савдо-банк филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

Гувоҳнома №001805

Кибрай тумани ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона дарча” марказидан 11.08.2016 йилда №5013 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “TOMATTO PLANT INVEST” масъулият чекланган жамияти низом жамғармасини 4.651.500 сўмдан 298.228.152 сўмга камайтиришнинг маълум қилади.

Мурожаатлар қўйидаги манзилда қабул қилинади: Кибрай тумани, Байтқўрғон қфй, Гулзор кўчасидаги бино. Тел: (97)-755-84-84.

Олмазор тумани ҳокимияти туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Абдумажид Файзуллаевич Муллажоновга падари бузруквори

Файзулла ота МУЛЛАЖОНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Хирургик касалликлар кафедрасининг собиқ доценти

Абдулла Насриддинович ТИЛЛАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Асаб касалликлари ва болалар асаб махаллининг, тиббий генетика кафедраси профессори Гулчехра Кабулова Содиқовна фарзанди

УЛУҒБЕКНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 май кўни ҳаво ўзгариб туради, кеча томон қисқа муддатли ёғиш бўлиб, жала қўйиши мумкин. Шарҳдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади.

да Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратибди, ифлослашиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 535

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9488 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмоҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ